Shu aziz VATAN — barchamizniki!

XDP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 5-noyabr. Shanba • 133 (31.409) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 62 920 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 123 060 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 62 920 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 123 060 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 75 510 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молиялланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 3 ноябрь.*

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!







Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

## Истиқлолни қадрлашга ундовчи китоб

**Тошкентда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг мустақилликни қадрлаш, асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ва ўзликни англашга даъват этувчи тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кенг тарғиб этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган тадбирда сенатор ва депутатлар, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, тарихчи ва сиёсатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ш.Абдуллаева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари F.Мирзаев ва бошқалар Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида чоп этилган мазкур асар мустақиллигимиз тарихини ўрганиш ва яратиш борасида ғоят муҳим ва қимматли манба эканини таъкидлади. Мазкур китоб моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш озод ва эркин ҳаётимизни қадрлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий тафаккуримизни бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичлари, Ватанимиз мустақиллиги, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғоялар ҳамда уларни амалга ошириш жараёнлари ҳақида теран тасаввурлар беради. Китобга киритилган нутқ ва маърузалар ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда амалга оширилгани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатларини атрофлича ёритиб бергани билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбатида мазкур китобга кирган, бугун биз учун ноёб манбага айланган ҳужжатлар, Президентимизнинг мустақил давлат барпо этиш йўлида кўрсатган буюк жасорати ҳар бир юртдошимизни истиқлолнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб яшашга ундаши, халқ орасида мазкур китоб моҳиятини чуқур тушунтириш ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш лозимлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида бу китоб истиқлолимиз тарихининг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб бериши, мамлакатимиз янги тарихини яратиш борасидаги дадил ва муҳим қадам, бунга ҳисса қўшиш эса ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

## Эзгуликка чорловчи айём

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли ўртасида ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёш авлод маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Истиқлол туфайли қайта тикланган ва кенг нишонланаётган Қурбон ва Рамазон ҳайитлари бу борада алоҳида аҳамиятга эга.**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 31 октябрдаги «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Қурбон ҳайитини тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтишини таъминлаш юзасидан қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасидан маълум қилишларича, юртимиздаги барча маҳаллада Қурбон ҳайитига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ташкил этилмоқда. Аҳоли яшаш ҳудудлари, кўчалар, маданий-маърифий тадбирлар ўтадиган майдонлар, маҳалла гузарлари, зиёратгоҳ, қабристон, масжидлар, археологик ёдгорлик мажмуаларида тозалаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳудудлар янада обод, саранжом-саришта қилинмоқда.

Шунингдек, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, фермерлар ва тадбиркорлар ҳомийлигида хайрия тадбирларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда тузилган жамоатчилик гуруҳи кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз қариялар, меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқда.

Байрам арафасида ёшлар ва нуронийларимизнинг тарихий обидаларга ва табаррук қадамжоларга ташрифи уюштирилмоқда. Мақсад — аҳоли, айниқса, ёшларни мамлакатимизда бой маънавий меросимизни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга етказиш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар билан яқиндан таништириш, ёш авлодни миллий қадриятларга эҳтиром, Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашдир.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда янги болалар спорт ва футбол майдончасини ташкил этишга киришилди.

— Улуғ айём кунлари маҳалламизда қурилиши бошланган спорт майдончаси фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилади, — дейди мазкур маҳалла оқсоқоли Маҳмуд Юнусбеков. — Илгари ёшларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш учун қўшни маҳаллаларга борган бўлса, энди ўзимизда ҳам бундай имконият пайдо бўлди. Спорт майдончасини барпо этиш, Қурбон ҳайитини муносиб кутиб олиш борасидаги ҳашарларда маҳалламиз аҳли фаол иштирок этмоқда.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Венгрия Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Венгрия Республикасининг Президенти Пал Шмитт 2011 йил 6-8 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Венгрия:

## Ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида



**Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия Республикасини кўп йиллардан буён ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради.**

Венгрия Европа Иттифоқининг иқтисодиёти изчил ривожланаётган давлатларидан. Мамлакатда машинасозлик, алоқа воситалари, ўлчаш асбоблари, дастгоҳлар ишлаб чиқариш, кимё, фармацевтика, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ривожланган.

Венгрия Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрь куни тан олган. Кўп ўтмай, 1992 йил 3 март куни мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди ва шу билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг асоси яратилди. Тошкент шаҳрида 1996 йил январь ойида Венгрия маданият-савдо ваколатхонасининг очилиши Ўзбекистон — Венгрия муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон Венгрияга Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги узоқ муддатли ва ишончли шерик сифатида қарайди ва ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли ва кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият беради.

Олий даражадаги учрашувлар ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, 1997 йил октябрь — ноябрь ойларида Венгриянинг ўша пайтдаги Президенти Арпад Гёнцанинг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил октябрь ойида Венгрияга ташрифи асносидаги мулоқот ва музокаралар якунида кўплаб соҳа ва йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

(Давоми 3-бетда.)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!




Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП: устувор вазифалар

# Концепция ижросини таъминлаш

## *партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари масъулиятини янада оширишни талаб этади*

**Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгариш ва янгиланишлар марказида, албатта, инсон ва унинг манфаатлари туради. Бинобарин, ўзгаришлар жараёнининг моҳиятини ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг турмуш фаровонлиги учун деган тамойил ташкил этади. ЎзХДП минтақавий ташкилотлари пленумларида бунга алоҳида урғу берилмоқда.**



**Тошкент вилоят партия кенгаши пленуми**да Кенгаш раиси, партия депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов ўз маърузасида вилоятда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларда партия ташкилотларининг ўз ўрни борлиги ҳамда Концепцияда белгиланган вазифаларни ҳал қилишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг масъулиятини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Пленумда таъкидланганидек, партия дастурий мақсадларининг амалдаги кўриниши партия Марказий Кенгаши ва тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилаётган иқтисодий форумларда аниқ ўз аксини топмоқда. Мана шу форум туфайли 16 нафар электорат вакили ўз бизнесини бошлади. Жами 120 нафардан ортиқ янги иш ўрни очилди.

— Касаначиликни ривожлантириш бўйича ҳам қатор амалий ишлар қилинмоқда, — деди Сирожидддин Аъзамов. — Аммо биз ўз фаолиятимизга танқидий ёндашиб хулоса чиқарадиган бўлсак, камчиликларимиз оз эмаслигига иқрор бўламиз. Концепцияда илгари сурилган вазифалар биздан фаолиятимизни кескин оширишни, электорат муаммоси билан боғлиқ масалаларга сидқидилдан қарашни талаб этади. Масалан, айни пайтда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини соҳаси бўйича ишга жойлаштириш масаласида айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу сабаб кенгашимиз томонидан тузилган ишчи гуруҳи октябрь ойида мазкур масала бўйича Зангиота ва Янгийўл туманларида мониторинг олиб борди. Маълум бўлишича, битирувчилар билан тузилган уч томонлама шартномага баъзи ҳолларда амал қилинмаган. Ишга жойлашди, деган айрим маълумотлар сохта бўлиб чиқаяпти. Демак, жойлардаги партия фаоллари ва депутатлик гуруҳлари бу масалага жиддий қараши керак.

**Иброҳим САИДОВ,**
***Қибрай туман партия кенгаши раиси:***

— Партиямизнинг Ҳаракат дастурини бажариш борасида депутатлик гуруҳимиз аъзолари билан ҳамкорликда ўзлари сайланган округларда кўчма Жамоатчилик қабулхонасини ташкил этганмиз. Йил бошидан қабулхоналарга 100 га яқин турли мазмундаги мурожаатлар келиб тушди. Депутатларимиз бу муаммоларга тегишли давлат идоралари эътиборини қаратди. Натижада уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Жумладан, вилоят ва туман Кенгаши депутати Воҳид Расуловга тушган мурожаатдан сўнг, туман тиббиёт бирлашмаси биносининг том ва олд қисми тўлиқ таъмирланди. Ёки энг ёш депутатимиз Фарҳод Мираҳмедов ташаббуси билан туманда «Диабет куни» номли акция ўтказилди. Унда бу касалликка чалинган беморлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, унинг ташаббуси билан йил бошидан бери «Фарҳод-Мадад-Шифо» клиникасида 26 нафар кам таъминланган оила аъзоси бепул даволанди. Бундай мисоллар оз эмас. Айтмоқчиманки, депутатларимиз қанчалик фаол бўлса, электорат ишончини шунчалик қозонамиз. Бу ўз ўрнида партиямизнинг нуфузини оширади, тарафдорларимиз ошишига хизмат қилади.

Пленумда Марказий банкнинг Тошкент вилояти бўлими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими вилоят бошқармаси ва вилоят «Иссиқлик манбаи» шўъба корхонаси масъул ходимлари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Хусусан, кредит олиш, коллежлардаги таълим сифати, кўп қаватли турар-жой биноларини иситиш тизими билан боғлиқ кўплаб фикрлар билдирилди.

Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ партия фаоллари ва етакчилар вилоят Кенгашининг диплом ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Шунингдек, вилоят Кенгашининг «Эҳтиром китоби»га киритилган фаолларга гувоҳномалар топширилди.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**






Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

✧✧✧

**Наманган вилоят партия кенгашининг пленуми**да қайд этилганидек, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдан асосий мақсад — Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлашдан иборат.

**Зиёвиддин МАНСУРОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Бугун сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқаролик жамиятининг барча институтларидан, айниқса, сиёсий партиялар ва уларнинг етакчиларидан янада фаол ҳамда ташаббускор бўлишни талаб этмоқда. Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифаларни бажариш маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ҳар бир депутатидан, халқ депутатлари Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссияларидан юксак ташаббускорликни, қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ва қарорлар ижросини таъминлаш устидан амалий назоратни кучайтириш ва тинимсиз изланишни талаб қилади.

Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танлаган йўлимизда навбатдаги муҳим қадам ҳисобланади. Унинг самарали амалга оширилиши Ўзбекистондаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Концепцияни атрофлича ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, у «Ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлимиз тамойиллари ва қўлга киритилган ютуқлар ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоғидаги юқори ўсиш суръатлари, уларнинг барқарорлиги ва ишончлилиги, муваффақиятли таркибий ўзгаришлар анъанасининг мустаҳкам пойдеворига таянади.

**Муҳсинжон БОБОХОНОВ,**
***ЎзХДП Чуст туман кенгаши раиси:***

— Ўтган давр мобайнида туманимиз партия фаоллари ва депутатлари томонидан меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда Концепциянинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган 50 дан ортиқ давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Туман Кенгаши сессиясида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг тумандаги ижроси юзасидан депутатлик гуруҳининг назорат-таҳлил якунлари муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан сессияда «Туманда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлиги дастури ижроси тўғрисида»ги масала бўйича туман бандликка кўмаклашиш маркази директорининг ҳисоботи эшитилди. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳи ва доимий комиссиялар йиғилишларида ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси ҳамда электорат манфаатларига тааллуқли 10 дан ортиқ масала ўрганилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу ўринда айтиш керакки, партиямиз Марказий Кенгаши ва тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказилган иқтисодий форумда туманимиздан 9 нафар фуқаро имтиёзли кредит олиш учун сертификатга эга бўлган эди. Айни пайтда уларнинг барчаси кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

**Сайдулло САИДОВ,**
***Учқўрғон туман кенгаш депутати:***

— Партиямиздан туман кенгашига сайланган 18 нафар депутат ЎзХДПнинг дастурий мақсад-ғоялари ва сайловолди платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилмоқда. Хусусан, жамоатчиликка энг яқин бўлган бошланғич партия ташкилотлари нуфузини ошириш зарурлигини яхши англаймиз. Боиси, қуйи бўғин партиянинг жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади. Унинг масъулияти ва салоҳиятини оширмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди...

Пленумда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Хуршид ФАЙЗИЕВ,**
**Миржалол МАҲМУДОВ.**

✧✧✧

**ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши пленуми**да асосий масала юзасидан кенгаш раиси Раимберган Сабуров сўзга чиқди. У партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларининг партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, Концепция ўртага қўйган устувор масалаларга жиддий ёндашиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жойларда олиб борилаётган амалий ишлар ва йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил этиб, муҳокамага қўйди.

Жумладан, Урганч шаҳри, Урганч ва Шовот туман партия ташкилотлари, айниқса, айрим депутатларнинг фаолиятсизлиги танқид қилинди. Нотиқ вилоятда юзага келаётган ҳар бир масала ва муаммони ечиш — бир бора эшитиш ва қарор қабул қилиш билан битмаслиги, депутатлар ҳар доим қатъий фаолият юритиши, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни изчил ўрганиб, амалий таклифлар билан чиқиши шартлигига эътиборни қаратди.

**Ҳалима АВЕЗОВА,**
***Хива туман Кенгаши депутати, тумандаги ҚВП бош врачи:***

— Аввало, ҳар бир депутат ўз фаолиятига танқидий қараши лозим. Мен депутатлик фаолиятимни уйида ишсиз ўтирган хотин-қизлар аҳволини ўрганишдан бошлаганман. Қишлоқда бўш ётган биноларни ўргандим. Тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан чиқдим. Шу саъй-ҳаракат туфайли тикувчилик цехи очилди ва яна 8 ўринда хизмат шохобчалари иш бошлади. Қишлоқдаги ишламай ётган 3 та болалар боғчаси фаолияти қайта ташкил этилди.

Партия фаоли, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Хоразм вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси Ўринбой Абдуллаев ҳамкорликда ишлаш яхши самара беришини таъкидлади.

— Айрим депутатлар коммунал тўловлар тизимидаги камчилик ва нуқсонларга бефарқ қарамоқда, — деди у. — Вилоятда кўрсатилмаган хизматлар учун ортиқча ҳақ ҳисоблаш айрим корхона-ташкилотлар учун одатий ҳолга айланиб бормоқда. Айниқса, бу ҳол табиий газ ва электр таъминоти тизимида кўпроқ кўзга ташланади. Электоратимиз бўлмиш истеъмолчиларни ким ҳимоя қилади? Нега депутатлар жим?.. Одамларни қийнаётган муамоларни ўрганиш, уларнинг ечими бўйича тегишли идора ва ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга таклифлар киритиш депутатларнинг вазифаси-ку!

Пленумда депутатлик гуруҳлари фаолиятини ўрганиш ва муҳокама қилиш учун ишчи гуруҳи тузилди.

Тиббиёт фанлари номзоди Қадамбой Ниёзметов билан пленумдан сўнг суҳбатлашдик. Ёш олимга пленумда партия аъзолик билети тантанали равишда топширилганди.

«Менга партиядошларимнинг ўзаро баҳс-мунозараси, пленумнинг ўз-ўзини танқид руҳида ўтгани маъқул бўлди. Халқ демократик партиясини беҳуда танламаганимга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим», — деди ёш олим.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташкил этган тадбирда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳокимликлар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.**

# Аҳоли бандлиги —

## *фаровонлик омили*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимуҳаммедов, Ўзбекистон Марказий банки департаменти директори А.Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакатимизни барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган дастур ва лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарамай, юртимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг реал даромадларини оширишга эришилмоқда.

Айниқса, кичик бизнес, касаначилик, оилавий ва хусусий тадбиркорликни, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида қишлоқ жойларда яратилган 512 мингдан зиёд янги иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес ва тадбиркорлик улушига тўғри келгани бунинг далилидир.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам доимий эътиборда. «Коллеж-корхона» ҳамкорлигини кенгайтириш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш юзасидан жамоат ташкилотлари ва молия муассасалари томонидан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга имтиёзли кредитлар ажратиш тизими йўлга қўйилгани бу борада муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини, хизмат кўрсатиш, сервис ва инфратузилма объектларини, транспорт-коммуникация лойиҳаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ устувор вазифалар бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Семинарда қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш борасида қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш, айниқса, оилавий тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Улкан эътибор самараси



**Наманган муҳандислик-педагогика институти мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил этилган олий таълим даргоҳларидан.**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида ушбу ўқув даргоҳида ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилди. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган институтдаги мавжуд беш факультетда 4 мингга яқин йигит-қиз таҳсил олмоқда. Уларга малакали профессор-ўқитувчилар илғор педагогик технологиялар асосида таълим бераётир. Бу ерда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Лингафон ва видеопроекторлар ўрнатилган амалий машғулот хоналари, электрон кутубхона, интернет тармоғига уланган компьютерларда талабалар фанларни чуқур ўрганиш имкониятига эга.

Институтнинг икки талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва 23 нафари Беруний, Улуғбек, Ибн Сино номидаги давлат стипендияларини қўлга киритгани таълим даргоҳида ёшлар учун яратилган имкониятларнинг амалдаги самарасидир.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Ўзбекистон — Венгрия:

# Ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида



Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга амалга оширилган расмий ташрифига алоҳида тўхталиш жоиз. Ушбу ташриф чоғида Венгрия Президенти, Бош вазири, Давлат Мажлиси Раиси, Будапешт шаҳри мэри билан самарали музокаралар ўтказилди, шунингдек, Венгрия ишбилармон доиралари билан учрашув бўлди. Ўзбекистон — Венгрия муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматларига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга тантанали равишда Будапешт шаҳрининг рамзий калити топширилди.

БМТнинг 2010 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити доирасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Венгрия Президенти Пал Шмитт ўртасида учрашув бўлиб ўтди, томонлар ўзаро муносабатларнинг ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Венгрия ташқи ишлар вазири К.Гёнцнинг 2008 йил ноябрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар жараёнида томонлар икки томонлама муносабатлар, минтақавий ва жаҳон сиёсатига оид масалалар юзасидан фикр алмашишга, шу жумладан, бу борада Ўзбекистон ва Венгрия ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказишга бўлган муштарак интилишларини намоён этдилар.

Муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон ва Венгриянинг қараш ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин экани ҳамкорликни, шу жумладан, Евроатлантика ва Ўрта Осиё минтақаларида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида турли халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХҲТ ва бошқалар) доирасида янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашувчи муҳим омиллардандир. Томонлар халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес ва ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби таҳдидларга қарши курашда икки ва кўптомонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур, деган якдил фикрни намоён этиб келмоқдалар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Венгриянинг Европа Иттифоқи Кенгашида раислиги даврида (2011 йилнинг биринчи ярми) — жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Брюсселда бўлди. Ушбу ташриф чоғида Европа Комиссияси Президенти Ж.М.Баррозо, Европа Иттифоқининг энергетика бўйича комиссари Г.Эттингер билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Брюсселга ташрифи, шунингдек, ташриф доирасида ўтказилган учрашув ва музокаралар Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди. Европа Иттифоқи томонидан «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» минтақалараро учрашувини ўтказиш ташаббуси билдирилгани ҳамда Тошкент шаҳрида жорий йил 7 апрелда ушбу учрашув Венгрия раислигида ўтгани мазкур ташрифнинг амалий натижаларидан бири бўлди. «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» учрашувида қатнашиш учун Венгрия Республикаси ташқи ишлар вазири Я.Мартони мамлакатимизга ташриф буюрганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу тадбир доирасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикаси ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даври бўлиб ўтди. Маслаҳатлашувлар якунида икки давлат ташқи ишлар вазирликларининг Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёноти имзоланди.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида парламентлараро ҳамкорлик ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Тошкентда 2011 йил 22-23 апрель кунлари бўлиб ўтган «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Венгрия Давлат Мажлиси Спикери ўринбосари Ш.Лежак раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Томонлар савдо-иқтисодий ҳамкорликка катта эътибор қаратмоқда. Бу йўналишдаги алоқалар 1992 йил март ойида имзоланган савдо-иқтисодий алоқалар ва илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил октябрь ойида Венгрияга расмий ташрифи асносида имзоланган инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш ҳамда автомобилда халқаро йўловчи ва юк ташишга оид ҳукуматлараро битимлар иқтисодий соҳадаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири раҳбарлигидаги мамлакатимиз иқтисодий делегацияси 2009 йил 16-17 июль кунлари ташриф билан Венгрияда бўлди. Ушбу давлатнинг турли вазирлик ва муассасаларида қатор учрашувлар, шунингдек, Ўзбекистон — Венгрия бизнес-форуми ўтказилди.

Тошкент шаҳрида 2010 йил май ойида Венгрия компания ва фирмалари вакиллари иштирокида Ўзбекистон — Венгрия бизнес-форуми ташкил этилди. 2011 йилнинг апрель ойида эса ана шундай тадбир Будапештда ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. 2010 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 36,5 миллион АҚШ долларини, шу жумладан, экспорт — 8,6 миллион АҚШ долларини, импорт — 27,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилнинг саккиз ойида бу кўрсаткич 23,24 АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Венгрияга ўғитлар, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, хизматлар ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Фармацевтика маҳсулотлари, механик ускуналар, оптик асбоблар ва аппаратлар ҳамда бошқа маҳсулотларни импорт қилади.

Ўзбекистон ва Венгрия ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишдан, кенг кўламли савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришдан, мавжуд салоҳиятни янада фаолроқ ишга солишдан манфаатдор эканлигини билдиради. Энергетика ва энергия тежамкорлиги, тиббиёт, логистика, кимё, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик ва қайта ишлаш саноати ҳамда иқтисодиётнинг бошқа истиқболли соҳаларида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш орқали сармоявий ва кооперацион ҳамкорликни диверсификация қилишдан икки томон ҳам бирдек манфаатдордир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда венгриялик инвесторлар иштирокидаги 7 корхона фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 5 таси қўшма корхона бўлса, 2 таси тўлиқ Венгрия капитали асосида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ушбу мамлакатнинг 5 компанияси рўйхатдан ўтказилган.

Мамлакатларимиз илм-фан, маданий-гуманитар, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳият мавжуд.

Икки давлат олимлари илмий-техник соҳада ҳамкорлик бўйича кўп йиллик тажрибага эга. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Венгриянинг тегишли ташкилотлари ўртасидаги алоқалар материалшунослик, микроэлектроника, асбобсозлик ва фармакология каби йўналишларда тараққий этмоқда.

Тошкентда 2000 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Венгрия киноси кунларида Венгрия тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар намойиш этилди. 2003 йил июнь ойида Будапешт шаҳрининг меъморий меросига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Жорий йилда Венгриянинг Веленца шаҳрида машҳур шарқшунос, ёзувчи ва таржимон Мулла Содиқнинг (1836-1892 й.й) қабрида ўзбек ва венгер тилларидаги ёдгорлик лавҳаси очилиши гуманитар соҳадаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганидан яна бир далолатдир. Асли Ўзбекистондан бўлган Мулла Содиқ Венгрия илмий доиралари ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган. У Венгрия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида ишлаган пайтлари венгрияликларга ўзбек ва бошқа туркий тиллардан сабоқ берган.

Мулла Содиқ Венгрияга XIX асрнинг 60-йилларида машҳур венгер шарқшуноси ва сайёҳи Армин Вамбери билан бирга борган. Улар Хивада танишган ва Мулла Содиқ Армин Вамберига юртимиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб саёҳати чоғида ҳамроҳлик қилган. Венгер олими ўз изланиш ва тадқиқотлари натижаларини «Бухоро ёхуд Трансоксания тарихи», «Ўрта Осиёга саёҳат» каби асарларида ёзиб қолдирган. Ушбу асарлар минтақамиз тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

2000 йилнинг март ойида Венгрия Кураш федерацияси, шунингдек, ишбилармон ва сиёсий доиралар вакиллари делегациясининг Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Венгриянинг Шопронь шаҳри ва Ўзбекистоннинг Китоб шаҳри ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва спорт соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди. 2003 йил июнь ойида Будапешт шаҳри мэри Г.Демски мамлакатимизда меҳмон бўлди ҳамда Тошкент ва Будапешт шаҳарлари маъмуриятлари ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.

2009 йилнинг январь ойида Венгрия дзюдо ассоциацияси президенти Л.Тот Ўзбекистон Республикасининг Венгрия Республикасидаги Фахрий консули этиб тайинланди.

Ўзбекистон билан Венгрия улкан салоҳият ва халқларимизнинг бой маънавий меросини ҳисобга олган ҳолда, кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, ҳудудлар ва шаҳарлар ўртасида алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш тарафдоридир.

**«Жаҳон» АА**

Миллий матбуот марказида

# Аҳоли манфаатлари ҳимояси — муҳим вазифа

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташкил этган «Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси» мавзуидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда сўзга чиққан Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева уюшма тизимида аҳоли бандлиги ва меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди. Шу билан бирга, ёшларни соғломлаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида турли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий шериклик яхши самара бераётгани ҳақида тўхталди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга, ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашга алоҳида урғу берилган. Бунда «Ижтимоий шериклик тўғрисида» қонун қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган.

**Бу қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат эксперт гуруҳи тузилган. Гуруҳ лойиҳанинг мавжуд қонунчилик ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ ўрганиб чиқди, муҳокама жараёнида уни такомиллаштириш бўйича икки юздан зиёд таклиф тушди.**

Жорий йил бошида Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош келишув имзоланди ва бу амалиётга татбиқ этилмоқда. Мазкур ҳужжат касаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, улар ва иш берувчилар ўртасидаги шартномавий муносабатларни ижтимоий шериклик тамойиллари асосида мустаҳкамлашга хизмат қилади. Касаба уюшмалари ҳамда ижро ҳокимияти, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ва маънавий масалаларда муҳим таянч бўлади.

Жумладан, жамоа шартномалари орқали ходимларнинг 40 фоизи ҳар йили асосий, узайтирилган ва қўшимча таътиллардан фойдаланиб келмоқда. Шу йилнинг 9 ойи давомида жамоа шартномалари ва келишувлар орқали 60 минг нафарга яқин фуқарога ҳамда 33 минг оилага 11 миллиард сўмлик ёрдам ажратилди. Шунингдек, 467 та оилага узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар хариди учун фоизсиз ссуда ажратилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 44 минг нафардан зиёд фарзанди ўқув қуроллари билан таъминланди, 33 минг нафарга яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, олий ўқув юртларида шартнома асосида таҳсил олаётган 1507 нафар талабага шартнома пулининг бир қисми тўланди, 8 минг нафар қаровчиси йўқ ёлғиз кексалар ижтимоий ёрдам олди.

Бугунги кунда аҳоли бандлиги, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида ҳам касаба уюшмалари қатор ишлар қилмоқда. Шу мақсадда жойларда қабул қилинаётган жамоа келишувлари ва шартномаларга «Устоз-шогирд» тизими самарали ишлаши учун муносиб ҳисса қўшиш мақсадида янги бандлар киритилди. Амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари меҳнатини муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа қўшимча имтиёзлар бериш, корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган битирувчилар — ёш мутахассисларга бир марталик тўлов ажратиш ва қўшимча иш ҳақи жорий этиш каби имтиёзлар шулар жумласидандир.

Ўтган 9 ой давомидаги мониторинг натижасига кўра коллежларнинг корхона, ташкилот ва муассасаларга амалиёт ўташ учун бириктирилган 2,5 минг нафар ўқувчисига 20 фоизлик, 627 нафар битирувчига 50 фоизлик моддий ёрдам кўрсатилган, шу мақсадда жами 45 миллиондан ортиқ маблағ сарфланган. Қолаверса, 9 ой давомида касаба уюшма ходимлари томонидан 895 та корхонада яратилган янги иш ўринларининг ҳаққонийлиги ўрганиб чиқилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам батафсил жавоб қайтарилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Хориж

## Шикоятлар сони

*кўпайиб бормоқда*

***Буюк Британия аҳолисининг тиббиёт ходимлари устидан Бош тиббиёт кенгашига шикоят қилиши йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.***



«The Daily Telegraph» нашрида маълум қилишича, 2009 йилда 5773 бемор шифокорнинг нўноқ ва малакасизлигидан ёки қўпол муомаласидан шикоят қилган бўлса, ўтган йили бу рақам 7153 тани ташкил этган. Бу йил эса шикоятлар сони чорак фоизга ортди.

Бундан ташқари, Бош тиббиёт кенгаши томонидан шикоятлар юзасидан эшитувларни ташкил этиш ҳам бу йил 20 фоизга ортган. 2009 йилда 270 та эшитув ўтказилган бўлса, 2010 йилда бу рақам 326 тага етди. Айнан шу эшитувлардан сўнг айбдор тиббиёт ходимларини соҳадан бутунлай четлатиш ўтган йили рекорд даражада бўлди — 92 нафар шифокорнинг тиббиётга дахлдорлиги бутунлай бекор қилинди. 106 нафар врач эса соҳадан вақтинча четлатилди.

## Учувчисиз космик кема

*орбитада модулга туташтирилди*

***Хитой космодромидан учирилган «Шэнчжоу-8» учувчисиз космик кема сентябрь охирида коинотга юк ракетасида олиб чиқилган «Тяньгун-1» модулига муваффақиятли туташтирилди.***



Ҳар бири 8 тонналик вазнга эга бу икки космик аппаратнинг бир-бири билан муваффақиятли туташтирилиши келажакда Хитой ўзининг орбитал космик станция қуриш лойиҳаси бўйича амалга оширган дастлабки салмоқли қадамларидир, дейилади «Синьхуа» АА хабарида.

Келгуси йилда Хитой яна иккита — «Шэнчжоу-9» ва «Шэнчжоу-10» космик кемаларини коинотга учиришни режалаштирган. Уларнинг бирида албатта космонавт парвоз қилади.

Умуман, кейинги ўн йилда Хитой коинотга бортида космонавтлар бўлган 20 дан ортиқ космик кема учиради. Ва 2020 йилга бориб, мамлакат ўзининг Ер орбитасидаги космик станция қурилишини якунига етказади.

Шундай қилиб, Ер орбитасида доимий фаолият юритувчи космик станция иккита бўлади.

## Оқ рангли машина

*қора рангдагига нисбатан тежамлироқ*

***Қизиқ, машиналар рангига қараб ёнилғи сарфласа-я? Ҳақиқатан ҳам бир хил русумдаги машина, фақат рангларида фарқ бор, лекин ёнилғи сарфлаши турлича — оқ ранглиги камроқ, қора туслиги эса кўпроқ. Ишониш қийин.***



Аммо бу америкалик олимлар томонидан яқинда исботланди. Қора тусли автомобиллар оқ ранглига қараганда ўртача 1-2 фоиз кўп ёнилғи сарфларкан.

Ҳа, ишонаверинг, айнан шундай. Қанақасига бундай бўлиши мумкин, деган савол барчани ўйлантираётгани эҳтимолдан холи эмас.

Тадқиқотда аниқланишича, оқ ва кумуш тусли машиналар қуёш нурини ўзига камроқ «ютади». Қора рангли автомобиллар эса аксинча. Яъни бирида қуёш нурини қайтариш даражаси 0,58 кўрсаткичга тенг бўлса, иккинчисида 0,05 га тенг экан. Демак, қуёш нурини ўзига кўп сингдирган машина салонини совитиш учун кондиционернинг қуввати кўпроқ сарфланади. Кондиционер эса ёнилғи ҳисобига ишлайди.

Дарвоқе, бу йил оқ рангли машиналар энг оммабоп техника тури сифатида қайд этилди. Дунё машиналарининг 21 фоизи айнан оқ тусдадир. Шу пайтгача (11 йил давомида) қора рангли машиналар оммабоплик «шоҳсупаси»дан тушмаётган эди. Жорий йилда дунё автомобиль бозорига чиқарилган машиналарнинг 20 фоизи қора рангдадир.

Бироқ Европада оммабоплик даражаси ҳануз қора рангли машиналарда сақланиб турибди — 26 фоиз. Оқ ва кумуш туслилар эса 19 ҳамда 16 фоизнинг нариберисида.

## Жек-пот ғолиби

*қидирилмоқда*

***Буюк Британиядаги «The National Lottery» лотерея компанияси жорий йилнинг августида ўйналган лотерея ютуғи ғолибига нисбатан қидирув эълон қилди.***



«South Wales Argus» нашрида ёзишларича, 612 минг 749 фунт стрелинг (700 минг евродан ортиқ) миқдоридаги жек-пот ютуғи чиққан лотереяни уэльслик одам сотиб олган экан. Аммо у ҳануз ютуқни олиш учун мурожаат қилмаяпти.

Ғолиб келгуси йилнинг 6 февралигача ютуқни олиш имкониятига эга. Агар шу пайтгача ғолиб компанияга мурожаат этмаса, ютуқ суммаси бекор қилинади.

10 августда ўйналган ва ютуқ чиққан лотерея рақамлари қуйидагича: 2, 4, 7, 27, 43 ва 44.

**Интернет манбалари асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.**

**«ТУРКИСТОН КИМОШДИ САВДОСИ» МЧЖ**

***барча талабгорларни 2011 йил 5 декабрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги тасарруфидаги 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 AF 599, бошланғич нархи 2229579 сўм бўлган «Газ» 3110 русумли, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 QR 108, бошланғич нархи 16955338 сўм бўлган «Нексия» русумли; Қорақалпоғистон Республикаси давлат эпидемиология назорат маркази тасарруфидаги 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/382 ЕАА, бошланғич нархи 10265000 сўм бўлган «ЗИЛ» 431610 русумли автотранспорт воситалари қўйилади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида ўн фоизи миқдорида закалат пули «Туркистон кимошди савдоси» МЧЖнинг Миллий банк Қорақалпоғистон филиалидаги МФО 00582, СТИР 301797534, 20208000904882074001 ҳисоб рақамига тўланади.

***Мурожаат учун манзил:*** Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 129-уй.

***Телефон:*** 8(361) 222-00-80.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТЖБКХ бўлими томонидан 1999 йил 21 сентябрда 52-реестр китобининг 258-бетида рўйхатдан ўтган Учтепа тумани 21 мавзе, 3-уй, 62-хонадон эгаси Татьяна Борисовна Бурнашева номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Иқтисодиёт

**Чимбой туманида «Chimbay Lanvood» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасига бундан уч йил муқаддам пойдевор қўйилган. Президентимизнинг 2010 йил 23 мартдаги 1306-қарорига кўра, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган. Корхона ширинмия, бўян илдизи, ғўзапоя ва пичандан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Уни барпо этиш учун 1 миллион 805,1 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.**

# Ўзимизнинг хомашё

*ҳисобига қурилиш материаллари тайёрланмоқда*

Ўтган йили корхонанинг биринчи навбати ишга туширилди ва 6 минг квадрат метр, бошқача айтганда, 42 миллион сўмлик қурилиш материали синов тариқасида ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулот ўзининг чидамлилиги ва сифати билан мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Шу тариқа корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш бошлаб юборилди. Шу йил Мустақиллик байрами арафасида унинг иккинчи навбати ишга туширилди. Эндиликда корхона бир кеча-кундузда 100 квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Айни пайтда корхона аҳли йил охиригача 50 минг квадрат метр ДСП тайёрлаш ниятида меҳнат қилмоқда.

— Маҳсулотимизнинг ўзига хослиги шундаки, унда фойдаланиладиган хомашё ўзимизда, яъни маҳаллий шароитда етиштирилади, — дейди «Chimbay Lanvood» корхонаси ижрочи директори Баҳоуддин Абдуллаев. — Чимбой туманида бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Lanextrakt» масъулияти чекланган жамиятда ширинмия илдизидан глициризин доривор моддаси олинмоқда. Мана шу корхона ишлаб чиқариш жараёнида йиғилган чиқиндидан биз қурилиш материали тайёрлаймиз. Уни тайёрлаш технологияси, ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда изчил кечади. Яъни ўсимлик чиқиндиси аввало қуритилади, кейин майдаланади ва кучли босим остида иссиқ ҳолда прессланади. Сўнгра совутиб, шаклга солинади ва силлиқланади.

Корхонада ишлаб чиқариш тармоқлари тўла автоматлаштирилган ва улар малакали мутахассислар томонидан бошқарилмоқда. Корхона 5 миллиард 361,5 миллион сўмлик замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган, мана шу фактнинг ўзи ҳам унинг имконияти катта эканидан далолат беради.

Янги корхона иш бошлагач, 100 киши янги иш ўринлари билан таъминланди. Эътиборлиси, уларнинг 23 нафари касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлардир. Улар хитойлик ҳамкорлар ёрдамида ўзлари учун янги бўлган технология жараёнларини тез ўзлаштириб олмоқда.

— Мен Чимбой иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини битириб, тўғри шу ерга ишга келдим, — дейди ўзини Арслонбой Ортиқов деб таништирган йигит. — Ҳозир хомашёни тайёрлаш оператори бўлиб ишлаяпман. Ишим ўзимга ёқади. Келгусида билимимни янада ошириб, соҳанинг етук мутахассиси бўлмоқчиман.

Дарҳақиқат, бу ерда Арслонбойга ўхшаган, ўзига топширилган ишни бекаму-кўст бажариб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган ёшлар оз эмас, уларнинг ишини кўриб, ҳавасинг келади.

Корхона жамоаси тез орада тайёр маҳсулотлар, жумладан, идора ва уй мебеллари ишлаб чиқаришни мақсад қилган. Бундай истиқболли режалар унинг келажаги порлоқ эканидан дарак беради.

**Реимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Интернет-маълумот

# «Анжи»ни Одил Аҳмедовсиз тасаввур қила олмайман»

*россиялик футбол мухлислари ана шундай дейишмоқда*

Одил Аҳмедов бугунги кунда ўзбек футболининг энг етакчи футболчиларидан бири. Қишда бўлиб ўтган Осиё Кубогидан сўнг кўплаб жамоалардан унга таклиф тушди. Футболчи эса Россиянинг «Анжи» (Маҳачқалъа) жамоаси сафига қўшилди. Дастлабки келишувга кўра маҳачқалъаликлар Аҳмедовни «Пахтакор»дан бир йилга ижарага олганди. Аммо футболчимизнинг Россия чемпионатида кўрсатган ажойиб ўйинлари ва унга Европанинг кучли жамоалари (жумладан, Англиянинг «Арсенал» клуби) қизиқаётганини ҳисобга олган «Анжи» раҳбарияти ёзда ижара муддати тугамай туриб трансферини «Пахтакор»дан тўлиқ сотиб олди. Яқинда клуб расмий сайти ходимлари мухлислар саволлари асосида **Одил Аҳмедов** билан интервью уюштирди.



***— Одил, нега кам куласиз? Бор кучингизни майдондаги яккакурашларга сарфлайсиз. Нима учундир мухлисларингизга табассум ҳадя этмайсиз?***

— Менинг характерим шундай. Ҳиссиётга берилувчи инсон эмасман. Лекин ишқибозлар бир нарсани билишларини истардим — мен уларни қаттиқ ҳурмат қиламан ва бизни тинимсиз қўллаб туришганини қадрлайман. «Анжи»нинг уй учрашувларидаги мухлислик — фантастик даражада. Бунинг учун уларга катта раҳмат. Агар сизларга кулиб қарамасам, бундан хафа бўлманглар.

***— Сиз «Анжи» фан клубининг энг севимли футболчиларидан бири ҳисобланасиз. Ангбва ва Мехди каби бирорта учрашувни трибунада, мухлислар орасида кўришни хоҳламайсизми?***

— Мен дисквалификация туфайли ўйинни трибунада кузатадиган даражада қўпол футболчи эмасман... Устига-устак йигитлар трибунада майдондагидан ҳам кўпроқ куч сарфланади дейишади.

***— Менга сизнинг ўйин услубингиз ёқади. Майдонда ютқазишни ёқтирмайсиз. Қачон профессионал футболчи бўлишни хоҳлагансиз? Ўзингизни бошқа соҳада тасаввур қилганмисиз? Яна бир савол: футболчи учун энг муҳими нима?***

— Тўғрисини айтсам, ёшлигимдан футболчи бўлишни орзу қилганман. Ҳатто, мени футбол мактабига беришлари учун ота-онамни кўндирганман. Футболда эса ҳали кўп нарсага эришишим керак. Мен энди йўлнинг бошида турибман. Футболчи учун энг муҳими — шижоат ва ўйинни тушуниш.

***— Ўзбекистон чемпионатида «Анжи» селекционерлари эътибор қаратиши мумкин бўлган ёш футболчилар борми?***

— Албатта, Владимир Козак, Аббосбек Махсталиев, Тимур Ҳакимов... Яхши футболчилар кўп. Улар нафақат «Анжи», балки Европанинг энг кучли жамоаларининг ҳам эътиборларини торта олишади.

***— Одил, қандай қилиб ҳар бир ўйинда жамоанинг энг керакли, чидамли ва ақлли ўйинчиси бўла оляпсиз? Жуда камтар инсон экансиз. Ҳар бир ўйинда тўла куч билан ўйнаётганингиз учун раҳмат.***

— Ўйинимни кузатиб бораётганингиз учун сизга ҳам раҳмат! Мен шунчаки ўз ишимни бажаришга ва жамоага фойда келтиришга ҳаракат қиляпман. Майдонда ҳар доим бор кучимни сарфлашга одатланганман. Ҳаракатларим мухлисларга маъқул келаётганидан хурсандман.

***— Маҳачқалъа шаҳри сизга ёқдими? Яқинларингиз билан шаҳарни айланишга вақт топяпсизми? Келажакда оилангиз билан Маҳачқалъага кўчиб келиш ниятингиз борми?***

— Маҳачқалъа — жуда чиройли шаҳар. Худди бизда бўлганидек, бу ер ҳам кўркам. Тўғри, бизда денгиз йўқ. Шунинг учун сизларга ҳавас қиламиз. Келажакда «Анжи» Маҳачқалъага кўчиб келса (жамоа базаси Москвада жойлашган. Фақат ўйин куни Маҳачқалъага келишади), албатта мен ҳам оилам билан бу ерга келаман.

***— Футбол мухлисларининг майдонда қўллаб-қувватлашини ҳис қиласизми?***

— Мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши, шубҳасиз, зарур. Омадим бор экан — Маҳачқалъадаги стадион муҳити фантастик даражада. Шунингдек, терма жамоамиз иштирокидаги ўйинларда стадион ҳар доим тўла бўлади. Ишқибозлар мадади футболда муҳим ўрин тутади.

***— Фаолиятингиздаги қайси гол хотирангизда яхшироқ сақланиб қолган?***

— Осиё кубогида Қатар дарвозасига урган голим мен учун энг қадрлиси.

***— «Анжи»даги энг яқин дўстингиз ким?***

— Мен барча йигитлар билан бир хил муносабатдаман. Бу шунчаки сўзлар эмас, ҳақиқат. Жамоамиз жуда аҳил. Бир-биримизга ҳурмат билан қараймиз.

***— Сўнгги пайтларда ўзбек футболи халқаро майдонларда яхши натижаларга эришмоқда. Сизнингча, бунинг сабаби нима?***

— Мен бу саволни бугунги суҳбатимиздаги энг яхши савол деб биламан. Бунинг учун раҳмат. Муваффақиятларнинг замирида Президентимизнинг футболга давлат сиёсати даражасида аҳамият бераётганликларидир. Шунингдек, футболчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Барча мактаблар ва интернатларда футбол майдонлари бор. Болалар спорти иншоотлари эса ҳар бир қишлоқда қурилмоқда. Яқинда ўсмирларимиз Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этишди. Қаршининг «Насаф» клуби ОФК кубогини қўлга киритди. Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга шундай катта эътибор беряптики, бугунги ғалабаларимиз фақат бошланиши. Ўзбек футболидаги ғалабалар ҳақида ҳали кўплаб хушхабарлар эшитасиз.

***— Одил, агар қишда сизга «Арсенал»дан таклиф тушадиган бўлса, уни қабул қиласизми? Лекин мен буни истамасдим, чунки «Анжи»ни Одил Аҳмедовсиз тасаввур қила олмайман!***

— Ҳозир фақат «Анжи» билан муваффақиятларга эришиш ҳақида ўйлаяпман. Қолганини эса вақт кўрсатади.

***— Ватанингизни соғинасизми?***

— Соғинмасликнинг иложи йўқ. Имконият туғилиши билан Ўзбекистонга интиламан.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Темур АЪЗАМ тайёрлади.**

## Ҳуқуқий маърифат

**Маълумки, фуқароларда мерос ва мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ саволлар кўп туғилади. Аслида мол-мулкни мерос қолдириш ота-боболаримизга хос тутум. Бугунги кунда мерос очилган жойдаги давлат нотариуси меросхўрларнинг ёзма аризасига кўра, меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи гувоҳнома беради. Мероснинг очилиш жойи эса мерос қолдирувчининг охирги яшаган манзили ҳисобланади.**

# Мерос қандай тартибга солинади?

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома мерос очилган кундан сўнг 6 ой ўтгач, берилади. Фуқаролик кодексига мувофиқ, меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб топилади. Мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризаси бўйича мерос очилган кундан бир йил ўтганидан кейин суд қарори асосида эгасиз деб топилади. Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади. Борди-ю, бу орган мол-мулкдан воз кечса, у давлат тасарруфига олинади.

Давлат нотариуси қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганини, мерос очилган жой ва вақтни, мерос мол-мулк таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрнинг қариндошлик муносабатини аниқлайди. Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик алоқалари туғилганлик, никоҳ тузилгани тўғрисидаги гувоҳнома, туғилганлик ва никоҳ тузилгани ҳақидаги далолатномадан кўчирмалар, қариндошлик ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгиловчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Меросхўрларнинг хоҳишига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома уларнинг ҳар бирига алоҳида ёки уларнинг ҳаммасига битта берилади. Баъзи меросхўрларнинг улушлари ҳал этилмаган тақдирда гувоҳномада ҳал этилмаган улуш миқдори кўрсатилади.

**Абдимурод ИСАҚУЛОВ,**
**Пахтакор туман давлат нотариал идораси катта нотариуси.**

## «Ниҳол» мукофоти соҳиблари

# «Орзуим — миллий оҳангларга жило бериш»



**Ёш истеъдодли хонанда Шаҳноза Отабоеванинг санъатга кириб келганига унча кўп бўлгани йўқ. Аввал мусиқа коллежида, сўнгра Ўзбекистон давлат консерваториясининг эстрада хонандалиги бўлимида таҳсил олди. Бу йил мазкур даргоҳни анъанавий хонандалик бўлимини тамомлади. «Ниҳол» мукофоти соҳиби бўлди.**

— Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги менга катта қувонч олиб келди: «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига йигирма йил» эсдалик нишони билан тақдирландим, яна «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлдим. Қолаверса, бу йил Ўзбекистон давлат консерваториясини битирдим. Эътибор берсангиз, бошқа давлатларда йигирма беш ёшга тўлмаганлар учун мукофотлар жуда кам, — дейди Шаҳноза Отабоева.

***— Устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз? Саҳнада ижро этган биринчи қўшиғингизни эслайсизми?***

— Мусиқа коллежида ўқиганимда таниқли қўшиқчи Козим Қаюмовдан кўп нарсаларни ўргандим. У киши менга нафақат эстрада, балки миллий эстрададан ҳам сабоқ берган. Коллежни битириб, консерваториянинг эстрада хонандалиги бўлимига ўқишга кирган бўлсам ҳам, ўзимда анъанавий ижрочиликка қизиқишни сездим. Шунинг учун иккинчи курсдан «Шарқ мусиқаси» факультетининг анъанавий хонандалик бўлимига ўтдим. Бу ерда устозим Аҳмаджон Дадаевдан миллий ижрочилик йўлларини ўргандим. Кейин Муҳаббат Солиҳова, Равшан Абдуазимовдан сабоқ олдим.

Катта саҳнадаги биринчи чиқишимни ҳозир ҳам ҳаяжон билан эслайман: 2007 йили пойтахтимизда «Универсиада» мусобақалари бўлиб ўтган. Унда мен «Ёшлигим» қўшиғини ижро этганман.

***— Тажрибали санъаткорлардан кимларнинг ижрочилик йўлидан боришни хоҳлардингиз? Сизнингча, миллий санъатимизда қайси анъаналарни давом эттириш муҳим?***

— Миллий қўшиқчилигимиз авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, сайқалланиб ва янгиланиб келаяпти. Бу йўналишда ҳеч бир қўшиқни фалончиники деб айтолмайсиз. Биргина «Қашқарча ушшоқ»ни қанча ҳофиз ижро этган. Ҳаммаси унга нимадир қўшган. Санъаткор улардан фақат бирингинa ижро этса, қолипга тушиб қолади. Шунинг учун марҳум устозлар ижро йўли ва мактабини ўрганиш, уларнинг изидан бориш муваффақият келтиради. Чунки улар қўшиқчиликда миллийликка алоҳида эътибор беришган. Консерваторияда бир қанча мақомларни ўргандим. Шунда ҳар бир ҳофиз ўзига хос йўлдан борганини англаб етдим. Ҳозир халқ қўшиқларини ижро этганда мен улар билан суҳбатлашгандек бўламан, мароқ билан куйлайман.

Санъатда устозлар йўлини давом эттириш қўшиқчининг бурчи. Айни пайтда устоз санъаткорлар қўшиқларини янгича талқинда тингловчиларга етказиш устида изланаяпман. 2010 йилда қўшиқларим жамланган «Юрак» номли альбомим чиқди. Унда устоз ҳофизларнинг қўшиқларига алоҳида ўрин бердим.

***— Тенгдошлар ижодига муносабатингиз? Қайси ютуқларини қадрлайсиз, қайси...ларидан хулоса чиқарасиз?***

— Баъзан битта қўшиқ устида ойлаб ишлашга тўғри келади. Авваломбор, бирон ашулани ижро этишдан олдин унинг матнига, талаффузига катта эътибор бериш лозим. Кўпинча бирор мавзуни ўйласам, бу ҳақда шоирлар билан маслаҳатлашаман. Ёки тайёр шеърнинг қайсидир сўзи мусиқага тушмайди. Шунда муаллифдан бирга ишлашни илтимос қиламан. Бу биргина матн устидаги масъулият. Мусиқа, ижро устида ҳам кўп изланишга тўғри келади.

Тенгдошларимдан Малика Эгамбердиеванинг ўзига хос ширин овози менга ёқади. Шунингдек, эстрада йўналишида танилган Зиёданинг ижодига ҳурматим баланд. Зиёда ёшлар орасига устоз санъаткорлар қўшиқларини янгича талқинда олиб кириб, ёқтира билди. «Сайдинг қўябер сайёд»ни ижро этганида кўпчилик унга дилидан жой берди. У ҳар иккала йўналишни бирдай олиб кетди.

Шу кунларда ўзим «Онамдан қўймасин» деган қўшиқ устида ишлаяпман. Ўзбекистонимиз кўп миллатли мамлакат. Бошқа тилларда ҳам қўшиқ яратиб, халқимизга тақдим этиш истагидаман. Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбекистон» шеъри билан айтилувчи қўшиғимга клип оляпмиз. Мақсад — Ўзбекистонимизнинг гўзаллиги ва тароватини тараннум этиш, кўрсатиш, интернет орқали уни хориждагиларга ҳам етказиш.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**
**суҳбатлашди.**

## ОБ-ҲАВО 05-06.11. 2011

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 6°C | 11°C |
| Самарқанд | 8°C | 12°C |
| Нукус | 5°C | 11°C |
| Қарши | 8°C | 12°C |
| Урганч | 5°C | 11°C |
| Навоий | 5°C | 8°C |
| Фарғона | 4°C | 9°C |
| Бухоро | 5°C | 8°C |
| Андижон | 4°C | 9°C |
| Наманган | 4°C | 9°C |
| Термиз | 8°C | 12°C |
| Жиззах | 5°C | 10°C |
| Гулистон | 5°C | 10°C |
| Тошкент вил. | 5°C | 10°C |
| Лондон | 13°C | 15°C |
| Париж | 18°C | 19°C |
| Москва | 5°C | 2°C |
| Мадрид | 15°C | 13°C |
| Пекин | 14°C | 14°C |
| Гонгконг | 28°C | 29°C |
| Рим | 21°C | 24°C |
| Анқара | 13°C | 13°C |
| Токио | 21°C | 25°C |
| Стокгольм | 10°C | 11°C |
| Кейптаун | 22°C | 17°C |
| Қоҳира | 24°C | 25°C |
| Гавана | 27°C | 28°C |
| Вашингтон | 14°C | 12°C |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146
10029 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5